

Асаларилар турли хил гулларнинг шарбатларини истеъмол килишгач, кейинчалик таналари ичида улардан асал хосил бўлади, асални эса мум катакчалардан иборат уяларида саклашади. Асалнинг асалари корнидан чиқиши инсониятга факатгина икки аср олдин маълум бўлди. Куръонда эса бу хабар бундан 1400 йил илгари айтиб кўйилган:

« Уларнинг коринларидан турли рангдаги шароб чиқар. Унда одамлар учун шифо бордир » (16:69)

Бизга асалнинг шифобахш хислатлари кўп экани ва бегализ малхам эканини факатгина бугунга келиб аён бўлди. Иккинчи Жаҳон Урушида Совет кўшинлари жароҳатларига асални малхам килиб кўйишарди, шунда жароҳатланган жой намлигича сакланар ва ундан биров чандик коларди, холос. Асал ўта зич модда бўлганлиги сабабли, жароҳат ўрнида замбуруг ёки бактерияларнинг кўпайиши учун ҳеч қандай шароит қолдирмасди. Англияда хусусий шифохоналарида ҳамшира Керол хоним кўли остида бўлган бедаво кўкрак касаллиги ва Алсгеймер касаллигига чалинган 22 та беморни даъволашда прополис (асаларилар уяларидаги бактерияларга қарши ишлатилувчи) моддасидан фойдаланганида, хайратланарли даражада ижобий ўзгаришлар қузатилди. Муайян бир ўсимлик турига нисбатан аллергияси бор кишига ўша ўсимлик асалидан берилса, унда ўша аллергияга қарши иммунитет хосил бўлади. Шу билан бирга асал фруктоза ва К витаминига ҳам бойдир.

Куръонда келган асал, унинг манбаси ва хусусиятлари ҳақидаги хабарлар, у нозил қилинганидан асрлар ўтиб қашф қилинмоқда.